| Ўлч.     | Вар.        | Ф.И.Ш. | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: | Сайтиев Б   |        |      |      |   |       |
| Раҳбар:  | Садуллаев Н |        |      |      |   |       |

Пулатдаги кушимча исрофлар йигиндиси

$$P_{с.д.} = P_{с2} + P_{п2} = 5.4 + 13.5 = 18.9 \text{ кВт}$$

Пулатдаги умумий исрофлар

$$P_{ст} = P_{ас} + P_{сд} = 119.7 + 18.9 = 138.6 \text{ кВт}$$

Механик исрофлар

$$P_{мех} = K_T \cdot (n/10)^2 \cdot D_a^4 = 0,95 \cdot (1500/10)^2 \cdot 0.225^4 = 55 \text{ кВт}$$

Номинал режимдаги кушимча исрофлар

$$P_{доб} = 0,005 \cdot P_1 = 0,005 \cdot 6847 = 34.2 \text{ кВт}$$

Мотор чулгамидаги электр исрофлар

$$P_{\text{эл}} = 3 \cdot I_1^2 \cdot r_1' \cdot 10^{-3} = 3 \cdot 3.6^2 \cdot 1.805 = 70.7 \text{ Вт}$$

Моторнинг салт ишлаш параметрлари

$$I_{0a} = \frac{P_{cm} + P_{мех} + P_{\text{эл}}}{m \cdot U_{н1}} = (138.6 + 54.8 + 70.7) / (3 \cdot 220) = 0.40$$

Моторнинг салт ишлаш токи

$$I_0 = \sqrt{I_{0a}^2 + I_{\mu}^2} = \sqrt{0.40^2 + 3.61^2} = 3.64 \text{ А}$$

Салт ишлашдаги кувват коэффициенти

$$\cos \varphi_0 = I_{0a} / I_0 = 0.40 / 3.64 = 0.11$$

Моторни ишчи тавсифларини хисоблаш

А.Д. нинг уч фазали электр тармоқдан олаётган ҳажм қуввати:

$$P_1 = \sqrt{3} \cdot U \cdot I_1 \cdot \cos \varphi$$

Бу актив қувватнинг бир қисми,  $\Delta P_m$  – статор чўлғамининг қизишига сарфланади. Яна бир қисми  $\Delta P_m$  - статор чўлғамининг қизишига сарфланади.

Тармоқдан олинган қувватнинг қолган қисми:

$$P_{эм} = 3P_2 - (\Delta P_r + \Delta P_m)$$

Бу, қувват электромагнит майдон орқали роторга ўтади ва электромагнит қувват дейилади. Электромагнит қувватнинг бир қисми ротор чўлғамининг қизишига сарфланиб қолган қисми роторнинг айланишига сарфланади, яъни механик қувватга ўтади

$$P_{эм} = P_2 - \Delta P_p$$

Бу ифода  $P_2$  – механик қувват. Механик қувватнинг бир механик қувватнинг бир  $\Delta P_m$  қисми ишқаланишга исроф бўлади ва қолган қисми фойдали қувват бўлиб, двигател ўқи (вали) да айланувчан момент ҳосил қилади:

$$P_M = P_2 - (\Delta P_p + \Delta P_H)$$

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

Мотор токи, сирпаниши, истемол қувватини, қувват коэффициентини ва фойдали иш коэффициентини мотор валидаги фойдали қувватга боғлиқлик графигига моторни ишчи тавсифлари деб айтилади. Ишчи тавсифлар одатда тажрибада қурилади. Аналитик усулдан фойдаланиб ишчи тавсифларни курамыз. Бунинг учун асосий параметрлардан ташқари қуйидаги катталикларни аниқлаймиз.

Магнитловчи занжирни актив қаршилиги:

$$r_{12} = P_{ac} / (3 \cdot I_M^2) = 119.7 / (3 \cdot 3.612) = 3.06 \text{ Ом}$$

Магнитловчи занжирни реактив қаршилиги:

$$X_{12} = 58.4066$$

Қуйидаги коэффициентларни ҳисоблаймиз:

$$C_1 = 1 + X_1 / X_{12} = 1.042481$$

$$a = 1.88 \quad a' = 1.08$$

$$b = 3.69$$


олинган катталиклар ва жадвалда кўрсатилган ифодалар билан ишчи тавсифларни жадвал кўринишида ҳисоблаймиз:

|  | 0,005 | 0,01  | 0,015 | 0,02  | 0,025 | 0,03  | 0,035 |
|--|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| $a' \cdot r_2' / s$                              | Ом    | 136.1 | 68.07 | 45.38 | 34.03 | 27.23 | 22.69 |
| $X = b + b' \cdot r_2' / s$                      | Ом    | 3.70  | 3.70  | 3.70  | 3.70  | 3.70  | 3.70  |
| $Z = \sqrt{R^2 + X^2}$                           | Ом    | 138.1 | 70.05 | 47.40 | 36.11 | 29.34 | 24.85 |
| $\cos \varphi_2' = R / Z$                        |       | 1.000 | 0.999 | 0.997 | 0.995 | 0.992 | 0.989 |
| $\sin \varphi_2' = X / Z$                        |       | 0.027 | 0.053 | 0.078 | 0.102 | 0.126 | 0.149 |
| $I_2'' = U_{1H} / Z$                             | А     | 1.59  | 3.14  | 4.64  | 6.09  | 7.50  | 8.85  |
| $I_{1a}' = I_{0a} + I_2'' \cdot \cos \varphi_2'$ | А     | 1.59  | 3.14  | 4.63  | 6.06  | 7.44  | 8.76  |
| $I_{1a} = I_{0a} + I_2'' \cdot \sin \varphi_2'$  | А     | 3.66  | 3.78  | 3.97  | 4.24  | 4.56  | 4.93  |

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

|  |     |       |       |       |       |       |       |
|--|-----|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| $I_1 = \sqrt{I_{1a}^2 + I_{1p}^2}$                                       | А   | 1.66  | 3.27  | 4.84  | 6.35  | 7.82  | 9.23  |
| $P_1 = 3 \cdot U_{1H} \cdot I_{1a} \cdot 10^{-3}$                        | А   | 1.05  | 2.07  | 3.05  | 4.00  | 4.91  | 5.78  |
| $P_{\rho 1} = 3 \cdot I_1^2 \cdot r_1' \cdot 10^{-3}$                    | А   | 0.09  | 0.13  | 0.20  | 0.30  | 0.41  | 0.55  |
| $P_{\rho 2} = 3 \cdot I_2^2 \cdot r_2' \cdot 10^{-3}$                    | А   | 0.00  | 0.02  | 0.04  | 0.07  | 0.11  | 0.15  |
| $P_{\text{доб}} = P_{\text{доб.н}} (I_1 / I_{1H})^2$                     | кВт | 0.00  | 0.01  | 0.01  | 0.02  | 0.02  | 0.03  |
| $\Sigma P = P_{cm} + P_{mex} + P_{\rho 1} + P_{\rho 2} + P_{\text{доб}}$ | кВт | 0.29  | 0.35  | 0.45  | 0.58  | 0.73  | 0.92  |
| $P_2 = P_1 - \Sigma P$   | кВт | 0.76  | 1.72  | 2.61  | 3.42  | 4.18  | 4.86  |
| $\eta = 1 - \Sigma P / P_1$  |     | 0.725 | 0.831 | 0.854 | 0.856 | 0.850 | 0.841 |
| $\cos \varphi = I_{1a} / I_1$  |     | 0.399 | 0.639 | 0.759 | 0.820 | 0.853 | 0.871 |

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Рахбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |



**Лойхалаштирилган асинхрон моторни ишчи тавсифлари.**

Лойихада қуввати 5,5 кВт ва айланиш тезлиги 750 айл/мин бўлган асинхрон моторни актив қисми лойхалаштирилди. Бу статорни ўзаги ва чулғами ҳамда роторни ўзаги ва қисқа туташтирилган ротор ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоблашларда серияли ишлаб чиқариладиган асинхрон мотор Билан таққослаш учун серияли асинхрон мотор лойхалаштирилди. Ҳисобланган моторни ишчи параметрларининг нисбий қийматлари берилган чегарада бўлиб, серияли моторларни номинал параметрларидан оғишлар рухсат этилган доирада эканлиги аниқланди. Ҳисобланган асинхрон моторни статор чулғами ишлаб чиқилди. Бундан ташқари моторни ишчи тавсифлари ҳам ҳисобланиб серияли асинхрон моторни тавсифлари Билан таққосланди. Ҳисоблаш натижалари лойхалаштирилган асинхрон мотор техник ва энергетик кўрсаткичлари мейёрий кўрсаткичлар доирасида эканини кўрсатди. Шунинг учун ҳисоблаш натижаларини тўғри деб қабул қиламиз.

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

Ротор қаршилигини келтирилган ва нисбий қиймати номинал сирпаниш қийматига тўғри келади. Салт ишлаш токининг нисбий қиймати берилган чегарада бўлиб талабга жавоб беради.

Асинхрон моторни лойиҳалашда унинг ички тузилишини мукамал ўрганиб олдик. Бу бизни келгуси Амалий фаолиятимизда қўл келади. Чунки ишлаб чиқаришда асосан асинхрон моторлар қўлланилади. Уларни ишлатишда ва таъмирлашда бу олган билимларни қўллаймиз.

| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

## ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

**1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги** - инсонни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ булмаган фаолиятда унинг атроф-муҳитга антропологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлигини таъминловчи билимлар тизимини тушунамиз. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳар қандай йўналиш бўйича ўзини изланиш объектига мақсад ва вазифасига ҳамда методологик йўлига боғлиқ. Хавфсизлик деганда биз инсон ҳаёт фаолияти давомида мавжуд бўлган салбий омилларни таъсир эҳтимолини маълум даражада ёки буткул бартараф қилинганини тушунамиз.

Ташқи муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бугунги куннинг муаммоси эмас. Инсоният тараққиётининг турли босқичларида бу муаммолар ҳар турли қирралари билан кўриниш бериб келган. Масалан, ўрта аср бошларида жаҳоннинг катта шаҳарларида исиниш учун ва бошқа мақсадлар учун тош кўмирдан фойдаланиш бошланган кезларда бу шаҳарлар тутуннинг кўпайиб кетиши натижасида одамлар тутунга қарши кураш эълон қилгани ҳақида маълумот бор.

### **2. Атроф муҳитни муҳофазалаш**

Табиатни муҳофаза қилишга ҳуқуқий ёндошишнинг умумий принциплари барча давлатларни бир вақтда ва табиатни сақлашнинг оқилона қонунчилигига эга бўлишини тақоза этади. Шу сабабли ҳар бир мамлакатда табиатни, экологик муҳитни бузиш орқали одамлар соғлигига етказилган зарарлар учун товон тўлаш бўйича ва бошқа қонунлар қабул қилиниши зарур. Бу қонун жисмоний шахслар учун ҳам, хўжалик фаолияти юритувчи исталган шаклдаги субъектга ҳам бир хил даражада таъсир этиши лозим.

Экологик масалаларни ечимини амалга оширилиши махсус давлат органларига ва аҳолисининг фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Бундай фаолиятни мақсади – табиий имкониятлардан рационал фойдаланиш,

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

атроф-муҳитни ифлослантирилишига барҳам бериш, мамлакат барча жамоатчилигини экологик билимларга ўқитиш ва тарбиялаш ҳисобланади.

Теварак атроф, табиий-муҳитини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш деганда муҳофаза объекти ва уни таъминловчи тадбирлар ҳисобланадиган меъёрий актларни тайёрлаш асослаш ва амалда қўллаш тушунилади. Бу тадбирлар жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган экологик ҳуқуқни ташкил этади.

Атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мураккаб ва кўп режали муаммолардир. Бу муаммоларни ечимлари инсон ва табиатни ўзаро муносабатларини тартибга солиниши, уларни маълум қонуниятларга, йўриқномага ва қоидаларга бўйсунуши билан боғлиқдир. Бизнинг мамлакатимизда бундай система қонунчилик тартибида ўрнатилган.

### **3. Қурулма атроф - муҳитнинг метеорологик шароитлари**

Ишлаб чиқариш биноларнинг иссиқлик режими, бино ичига тушиб турган қуёш нурларидан ажралиб чиқадиган иссиқликдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш биноларидаги ажралиб чиқадиган иссиқликнинг бир қисми очик жойлардан ташқарига чиқиб кетади, қолган иккинчи бир қисми аниқ иссиқлик бино ҳавосини қизишига сабабчи бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларида ҳаво иссиқ жисмларга тегиши натижасида исийди, енгиллашади ва юқорига кўтарилади, унинг ўрнини эса ундан сал оғирроқ совуқ ҳаво эгаллайди, ўз навбатида у ҳам иссиқ жисмларга тегиб исийди ва юқорига кўтарилади. Шундай қилиб ҳавонинг доимий ҳаракатда бўлгани учун фақат иссиқ жисмлар атрофидаги ҳаво иссиб қолмасдан ишлаб чиқариш биноларининг ҳамма еридаги ҳаво исийди. Бундай иссиқлик узатилиши конвекцион иссиқлик узатилиши йўли дейилади.

Ҳамма қизиган жисмлар ўзидан нурлар чиқаради. Нурлар характерли жисмнинг ҳароратига боғлиқ бўлади. Иссиқлик ажралиб чиқарадиган жисмларнинг ҳарорати 500 С ва ундан юқори бўлса кўзга кўринадиган

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

ёруғлик нурлари билан бирга, кўзга кўринмайдиган инфрақизил нурлар ажралиб чиқа бошлайди. 500 С ҳароратда эса инфрақизил нурлари ажралиб чиқаради.

Ишлаб чиқариш биноларининг технологик жараёни ҳавонинг намлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Сув ва сувли эритмалар билан ишлов бериш усулларида фойдаланиладиган пайтларда ҳаво намлиги янада ошиб кетади. Айниқса улар иситилса ёки қайнатиладиган бўлса ва улардан чиқадиган буғ тепага тўсиқсиз кўтарилиб кетса ҳавонинг нисбий намлиги 80-90% ва ҳатто 100%га етиши мумкин. Бундай ҳавонинг кўшимча сувни қабул қилиш хусусияти жуда чекланган бўлади ёки тамоман йўқолади.

#### **4. Ишлаб чиқариш микроклимининг гигиеник нормалари**

Ишлаб чиқариш микроклими нормалари меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси "Иш зонаси микроклими" (ГОСТ 12,1005-76)га асосан белгиланган. Улар гигиеник ва техник иқтисодий негизларга асосланган.

Саноат корхоналари хоналарининг характери, йил фасллари ва иш категориясига қараб, улардаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг иш жойлари учун рухсат этилган нормалари белгиланган.

Иш категориялари қуйидагича белгиланади:енгил жисмоний ишлар (1 категория)-ўтириб,тик туриб ёки юриш билан боғлиқ ҳолда бажариладиган, бироқ мунтазам жисмоний, зўриқиш ёки юкларни кўтаришни талаб қилмайдиган ишлар,энергия сарфи соатига 150 ккал (172 Ж.С) ни ташкил этади. Бунга тикувчилик корхонаси,аниқ асбобсозлик ва шу каби корхоналар киради.

Ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг тезлиги рисоладаги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорлар кўринишида нормаланади. Рисоладаги миқдорлар деганда одамга узоқ муддат ва мунтазам таъсир қилганда ташқи муҳитга мослашув реакцияларини кучайтирмасдан организмнинг нормал фаолиятини ва иссиқлик ҳолатини сақлашини

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

таъминлайдиган микроиқлим кўрсаткичларининг йиқиндиси тушунилиб, улар иссиқлик сезиш мўътадиллигини вужудга келтиради ва иш қобилиятини юксалтириш учун шарт-шароит ҳисобланади. Йўл кўйилиши мумкин бўлган микроиқлим шароитлари-организмнинг фаолиятини ва иссиқлик ҳолатдаги ўзгаришларини, физиологик мосланиш имкониятларидан четга чиқмайдиган ташқи муҳитга мослашиш реакцияларининг кучайишини бартараф этадиган ва тез нормага соладиган микроиқлим кўрсаткичларининг йиқиндиси дир. Бунда соғлиқ учун хатарли ҳолатлар вужудга келмайди, бироқ номўътадил иссиқлик сезилари, кафиятнинг ёмонлашуви ва иш қобилиятининг пасайиши кузатилиши мумкин. 1,2,3 жадвалларда микроиқлимнинг рисоладаги ва йўл кўйилиши мумкин бўлган нормалари келтирилган. Доимий ишларда 1-жадвалда келтирилган миқдорлар таъминланиши лозим, улар ҳавони мутадиллаштиришда ҳам мажбурийдир.

### **5. Микроиқлимнинг организмга таъсири**

Инсон организми ҳаво ҳароратининг жуда катта ўзгаришга мослаша олади. Чунки одам организмида узлуксиз равишда иссиқлик пайдо бўлади ва у ташқарига ажралиб чиқиб туради, бунинг натижасида иссиқликнинг пайдо бўлиши ва сарф қилиниши орасидаги доимий нисбат ҳамда ҳарорат бир хил даражада сақланиб туради. Бу физиологик жараён эса организмнинг иссиқлик алмашуви дейилади.

Одам организмида узлуксиз пайдо бўладиган иссиқлик ташқарига уч хил йўл билан чиқади: конвекция, нур тарқатиш ва терлаш. Нормал микроиқлимда (ҳаво ҳарорати 20С атрофида) конвекция йўли билан 30% атрофида, нур тарқатиш йўли билан 45% атрофида, терлаш йўли билан эса 25% атрофда организмдан иссиқлик ажралиб чиқади.

Юқори ҳарорат овқатланиш аъзоларига ва витамин алмашувига ҳам ёмон таъсир қилади. Кишилар жуда иссиқ ҳаволи муҳитда узоқ муддат ишлари натижасида улар организми қизиб кетиши мумкин, яъни иссиқ уруши мумкин.

|          |             |        |      |      |   |       |
|----------|-------------|--------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар.        | Ф.И.Ш. | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: | Сайтиев Б   |        |      |      |   |       |
| Раҳбар:  | Садуллаев Н |        |      |      |   |       |

Бутун организмнинг ортиқча қизиб кетишидан пайдо бўлган иссиқ урушидан офтоб урушини фарқ қилиш керак. Офтоб уруши иссиқлик нурларининг тўғридан-тўғри бошга таъсир қилишдан ва бош миянинг 40-42 градусгача иссишида пайдо бўлади. Бунда тана ҳарорати нормал ҳолда қолиши ёки салгина кўтарилиши мумкин. Баъзида офтоб-иссиқ урушининг аралаш формалари учрайди.

Ҳавонинг намлиги ва ҳаракатчанлиги ҳам киши организмга сезиларли таъсир қилади ва организмнинг иссиқлик алмашувининг ўзгаришида ифодаланади.

### **6. Юк кўтариш ва ташиш ишларида хавфсизликни таъминлаш**

Машиналарнинг бевосита юк кўтарувчи мосламалари (стропалар, тросслар, занжирлар, қисқичлар, илгаклар) фойдаланишга туширилишидан олдин ва ҳар галги созлашдан сўнг, синовдан ўтказилиши шарт. Синов меъёридаги юк кўтариш қобилиятидан 25% кўп ортилган ҳолда бажарилади.

Пўлат арқонлар ўрамнинг ҳар қадамидаги узилган симлар сонига ва занглаш сабабли диаметрининг камайганлигига қараб, меъёрига солиштириб, ишга яроқлилиги ёки яроқсиз эканлиги аниқланади.

Пўлат арқон сим ёки занжирларни, оддий синалмаган симлар билан улаб узайтириб, ишлаб чиқаришга қуллаш тақиқланади.

Юк тупроқ шағал остида бўлса ёки устида бошқа нарсалар бўлса, уни кўтариш кўтариш мумкин эмас ва юкни кўтарилган ҳолда қолдириб (танаффус ёки иш тугагач) кетиш қатъиян ман қилинади.

Юк кўтариш механизмларининг соз ҳолатда сақланишига ва улардан хавфсиз фойдаланишга жавобгарлик ана шу механизмлар ишлатиладиган корхона бўлинмаси ёки муҳандис-техник ходими зиммасига юклатилади. Бу ходим махсус буйруқ билан тайинланади.

Ёши 18 дан кичик бўлмаган, ўқиган, йўл-йўриқ олган ва малака синовидан (аттестациядан) ўтган, шунингдек, тегишли гувоҳномага эга бўлган кишилар юк кўтариш тузилмалари ҳамда механизмларида ишлашга рухсат этилади.

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

Ортиш-тушириш ишлари кўтариштишиш тузилмаларидан фойдаланиб бажариладиган бўлса, корхона маъмурияти ишларнинг хавфсиз амлга оширишлигига жовобгар шахсни тайинлайди. Бу шахс юкни ортиш-тушириш ва ташиш воситалари ҳамда усулланинг тўғри танланишини кузатиб туриши лозим. Бундай ишлар тажрибали ходим раҳбарлигида олиб борилади. Бундай шахслар ”Ўздавконтехназорат” ташкилотлари вакили иштирокида имтиҳондан ўтказилиб, махсус гувоҳномага эга бўлишлари шарт ҳисобланади.

Агар юкни кўчириш вақтида занжир ва арқонларнинг ўз-ўзидан ечилиб ёки силжиб кетиш эҳтимоли бўлса, юкларни тушиб кетиши, бахтсиз ҳодисалар юз бериши мумкин.

Ундан ташқари, конвейерларнинг хавфли минтақалари, одамлар юрадиган йўлақлар биланкесишганжойларида ҳимоя тўсиқлари билан таъминланиши шарт ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган тартиб қоидаларга сўзсиз риоя қилган тақдирдагина, ишлаб чиқариш корхоналарини транспорт воситаларининг хавфсиз ишлашини таъминлашга кераклича замин яратиш мумкин бўлади.

## **7. Ёнғин ҳақида умумий маълумотлар ва уни олдини олиш чора-тадбирлари**

Ёнғин чиқишга асосан оловдан нотўғри фойдаланиш; электр установкаларни, печларни, тутун трубаларини монтаж қилиш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши; халқ хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва қуришда ёнғин хавфсизлиги нормалари талабаларининг бузилиши; ёнғин жихатдан хавфли жихозларни ишлатишда ва осон алангаланадиган материаллардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик; болаларнинг олов билан ўйнаши; момақалдиروق разрядлари сабаб бўлади.

Бино ёки иншоатнинг ўтга чидамлилиги уларнинг қуйидаги асосий қисмлари: ёнғинга қарши деворлар, кўтариб турувчи ва ўзини ўзи кўтариб турувчи деворлар, зина катаклари деворлари, ўрнатма панел деворлари,

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

каркас деворлар тўлдиргичи, кўтарувчи пардеворлар, қаватлараро ва чордоқ ёпмалари ҳамда томларнинг ўтга чидамлилиги билан белгиланади.

Тузар жойларда чиқадиган ёнғинлар катта моддий зарар етказиши ва умумий ёнғинлар миқдорининг 50% ни ташкил этади. Уйларда (биноларда) ёнғин чиқишига асосан электр ва газ жиҳозларидан, саноат ҳамда уй-рўзғор асбобларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Тузар жой биноларининг ўтга чидамлилиқ даражаси бино қаватларининг сони ва майдонига боғлиқ. Кўп қаватли анча узун биноларда бинони бўлимларга ажратадиган ёнғинга қарши девор сифатида кўндаланг деворлар ва секциялараро деворлардан фойдаланилади. Одам яшамайдиган хоналар ўтга чидамлилиқ чегараси 0,75 соат бўлган девор ва ораёпмалар билан ажратилади.

## **8. Шовқин ва унинг инсон танасига таъсири**

Шовқин, силкиниш ва ультратовушлар ажралиб чиқишига қараб бир хил бўлади улар ҳаммаси жисмларнинг тебранишидан ташкил топиб, бизнинг эшитиш аъзоларимиз томонидан қабул қилинади. Улар бир-бирларидан фақат тебраниш частотаси билан ва одамлар уларни ҳар хил қабул қилиши билан фарқ қиладилар.

20гцдан 20000 гц гача тебранишларни товуш деб аталади ва уларни биз товушдек эшитамиз. Шундай бир қанча товушларни тартибсиз кўшилиши шовқин деб аталади. 20 гц дан паст бўлган тебранишларни инфратовуш деб аталади. 20000 гц дан юқори бўлган тебранишларни эса ультратовуш дейилади. Ультратовушларнинг биз эшита олмаймиз, уларни фақат баъзи бир уй хайвонларигина эшита олади.

Қаттиқ жисмларнинг тебранишига ва шу тебранишларни жисмларнинг ўзлари ёки бошқа қаттиқ жисмлар орқали ўзатилишига силкиниш дейилади. Силкинишни биз чайқалишдек қабул қиламиз ва уларни тебраниш частотаси 1 гц дан 100 гц гача бўлади.

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

Товуш тебранишларининг абсолют қуввати ёки физик бирлиги сифатидаги товуш кучи ва физиологик сезги сифатидаги унинг қаттиқлиги ўртасида тўғридан-тўғри пропорционал боғланиш йўқ. Бу боғланиш мураккаб бўлиб, одамнинг эшитиш аппаратлари функцияларининг асосий хусусиятлари билан боғлиқдир.

Нормал эшитишда товуш тебранишларининг 20 гцдан-20000 гц гача частотаси қабул қилинади, шунга ҳам энг юқори чегара фақат болалар ёшига хосдир. Улар балоғатга етган сари эшитиш органлари томонидан қабул қилинадиган товушларнинг частотаси камая боради ва ёш ўтиб колганида 15000 гц дан ошмайди. Ана шу чегараларда ҳар бир товуш учун товуш қувватининг ёки товуш кучининг охириги таъсири бор. Қувватнинг минимал охириги таъсири унинг билинар билинмас сезгисини ҳосил қиладиган товуш кучига мос келадиган товуш кучига мос келади, яъни товуш эшитилиши бўсағасида туради. Қувватнинг максимал охириги таъсирни «оғриқ бўсағасига» мос келади-товуш қуввати кейинчалик зўрайганда товушнинг кучайиши эшитилмай, балки иккала қулоқ ҳам зирқираб оғрий бошлайди.

Товуш қаттиқлик даражасини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эгадир. Шовқинни текшириш учун махсус асбоблар ишлатилади. Бу асбобларнинг бирида шовқин қаттиқлигини эшитиб кўриб, уни зуммерида ҳосил этилган ва куч бўйича регуляция қилинадиган стандарт шовқин қаттиқлигига таққослаш йўли билан ўлчанади. Бошқа асбоблар билан шовқинни ўлчаш учун одамнинг эшитиб кўриши шарт эмас. Бу объектив деб аталадиган шовқин ўлчовчи асбоблар тўғридан-тўғри децибеллар билан шовқин кучининг даражасини ўлчашга имкон беради. Бундан ташқари ниҳоятда мураккаб тузилган товуш анализаторлари ҳам мавжуд бўлиб, улар мавжуд, шовқиннинг қандай частоталардан иборатлигини ва умумий товуш қувватининг қайси частота бўлақларига тўғри келишини жуда ҳам аниқлик билан белгилаб беради.

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

Касб орасида кар бўлиб қолишига тиббий нуқтаи назаридан караганда, унинг асосида ички қулоқнинг зарарланиши ётади. Заранинг кучи ва унинг чиғаноқ шкаласи бўйича тарқалиш фақат товушнинг баландлигига боғлиқ бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга шовқин таъсирининг бевосита интенсивлиги ва узоқлигига ҳам боғлиқдир. Профессинал кар бўлиб қолишда ҳавонинг ўтказувчанлиги асосий роль ўйнайди. Лекин ишлаб чиқаришда шовқин ички қулоққа фақат ҳаво орқали ўтибгина қолмасдан, балки бош суяги орқали ҳам ўтади. Қулоқнинг эшитишига катта талаб қўймайдиган кўпгина касбларда яхши эшитмаслик ишлашга тўсиқлик қилмайди. Лекин ишда қулоқ яхши эшитиши лозим бўлган ҳолда қаттиқ шовқинда қулоқнинг оғирланиб қолиши ишлаш қобилятининг пасайишига олиб келади. Кўпинча касбда ишлай олмай қолишига ҳам сабабчи бўлади.

### **9. Қурулмадан чиқадиган чанглари ва унинг инсон организмига таъсири**

Чанглар қандай материалдан ажралиб чиқишига қараб органик ва анорганик чангларга бўлинади. Органик чанглар; ўсимлик чанглари-ёғоч, пахта, зиғир, ун чанглари ва шунга ўхшашлари, хайвон маҳсулотларидан чиқадиган чанглар-жун, қил, суюк, шох чанглари ва ҳоказолар киради. Булардан ташқари органик чангларга химиявий маҳсулотлар чанглари пластмасса, химиявий тола чанглари ва бошқа чанглар. Анорганик чангларга; 1) металл чанглари-мис, чўян, темир ва бошқалардан чиққан чанглар, шунингдек 2) минерал чанглар-жилвир қоғоздан чиққан чанг, қум чанги, кварц, фосфор, цемент, охак чангидан ва бошқалардан чиққан чанлар киради. Ишлаб чиқаришда кўпинча аралаш чанглар ҳам учрайди, масалан, металл буюмларни чархлаш ва шлифовка қилишда минерал ва металл чанглари, тош кўмир чиқаришда минерал ва кўмир чанги ифлосланган пахтани тозалаганда пахта ва тупроқ чанглари учрайди. Чанглар қайси материалдан ажралиб чиқишга қараб суюқликда (сувда,

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

қонда, лимфада, ошқозон сокида) эрийдиган ва эримайдиган чангларга бўлинади.

Чанглар пайдо бўлиш механизмига, яъни қандай ажралиб чиқишига қараб ҳар хил размерли (катта, кичик) ва ҳар хил формада (думалок, кристалл, тола) бўлади.

Қаттиқ жисмларни майдалаётган пайтда механик энергия қисман электр энергияга айланади ва ажралиб чиққан чангларда маълум миқдорда электр энергияси бўлади. Бундан ташқари чанглар ҳаводаги шонларни ўзида йиғиши натижасида электр билан зарарланадилар. Чанглар бир-бирига тегиши натижасида ҳам зарарланиши моддаларнинг химиявий таркибига кўра мусбат ёки манфий бўлади. Масалан, металл бўлмаган чанглар мусбат, металл чанглар эса манфий зарядланади. Ҳавода осилиб турган чангларнинг турғунлиги уларнинг зарядланиш характериға боғлиқ бўлади: қарама-қарши зарядланган заррачалар бир-бирини тортади, ёпишади, катталашади, оғирлашади ва шунинг учун тезроқ чўкади. Аксинча бир хил зарядли чанглар бир-биридан узоқлашади уларнинг активлиги ошади ва ҳавода узоқ муддат қолиб кетади.

Электр зарядли ўта майда чангларни заводда кўплаб йиғилиши натижасида электр зарядлари маълум потенциалга эришгандан кейин портлаб кетишлари мумкин, портлаш юз бериши учун икки шарт, яъни: етарли концентрацияда чанг тўпланиши ва юқори ҳароратли иссиқлик манба бўлиши лозим.

## **10. Чангларнинг гигиеник аҳамияти**

Чангли ишлаб чиқариш биноларида ишловчи ишчилар, чангнинг ҳам ташқи, ҳам ички таъсирига учрайдилар. Чанг оғиз, бурун бўшлиқларига, териға, кўзға ва юқори нафас олиш йўлларига таъсир қилади, сўлак билан ютилиб овқатланиш аъзоларига таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан ютилиб овқатланиш аъзоларига таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан нафас олиш органининг энг узоқ участкаси бўлак ўпкагача бориб етадилар. Чанги ташқи таъсири унча хавфли эмас, чунки ишчи

|          |             |        |      |      |   |       |
|----------|-------------|--------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар.        | Ф.И.Ш. | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: | Сайтиев Б   |        |      |      |   |       |
| Раҳбар:  | Садуллаев Н |        |      |      |   |       |

чангли муҳитдан чиқиб, қўлини, бетларини ювиши билан ёки қоқиб ташлаши билан чанг билан бўлган алоқа тугайди. Бундан ташқари тери ҳамма чангларни ҳам ичкарига ўтказмайди ва ўзи ҳам ўларни таъсирга берилмайди.

Чангларнинг организмга хавф солиш даражаси уларнинг ҳаводаги миқдорига ва юқорида кўрсатилган физик ва химиявий хусусиятларига боғлиқ. Нафас олаётган ҳаво билан организм ичкарисига кираётган майда чанглар катта чангларга қараганда узоқроқ масофага ўпкагача борадилар, катта чанглар эса юқори нафас олиш йўлларида ушланиб қоладилар ва бир оз муддатдан кейин ташқарига чиқиб кетадилар, шунинг учун майда чанглар катта чангларга қараганда хавфлироқ.

Чанги структураси, яъни уни ташқи кўриниши ҳам муҳим гигиеник аҳамиятга эга. Ўткир киррали чанглар териға тез таъсир қилиб, таридан бемало организмга ўтадилар. Электр зарядли чанглар организмга тушган пайтларида, ўша ерда узоқ ушланиб қоладилар ва маҳаллий таъсир кўрсатадилар.

Юқорида айтиб ўтилгандек чанглар физикавий ва химиявий хусусиятларига қараб, организмга ҳар хил таъсир қиладилар. Чангларни ҳамма тури ҳам организм учун хавфли. Абсолют хавфсиз чанг бўлмайди.

### **11. Чангларнинг инсон организмга таъсири**

Чангларни инсон терисига таъсири натижасида тери яллиғланади, бироз шишади, қизаради ва оғриқ пайдо бўлади. Чанглар тери ва ёғ безлари тешиклариға тушиб уларни нормал ишлашға йўл қўймайди, натижада терида ёғ ва суюқликлар етишмайди ва тери қурийди, ёрилади. Ёғ безларининг тешиклари чанг билан кирган баъзи бир микроблар билан тылиб қолса тошмалар келиб чиқиши ва терини йиринглаб кетиши мумкин. Тери безлари тешиклариға чанг тылиб қолиши терининг тер ажратиш хусусиятини пасайтиради. Бу эса иссиқ ишлаб чиқариш биноларида киши танасига ёмон таъсир кўрсатади, чунки терлаш

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

организмнинг ҳаддан ташқари қизишига қарши ҳимоя воситаси сифатида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ишқорли чангларнинг терига таъсирини алоҳида ҳисобга олиш керак, чунки бу чанг терида тери яраланиши касаллигини олиб келиши мумкин. Бундай чангларга хром ишқорли тузлар, мишьяк, оҳак, сода, кальций карбиди, ош тузи, суперфосфат чанглари ва ҳоказолар киради.

Чангларнинг кўзга таъсири натижасида кўзлар конъюктивит касали билан касалланадилар, бунда кўз қизариб ёш оқадиган бўлади, айрим холларда кўз шишади ва йиринглайди.

Овқатланиш аъзоларига ҳар қандай чанглар ҳам таъсир кўрсата олади. Эрувчан заҳарли чанглар овқатланиш аъзоларига тушиши билан конга сурилиб бутун организмни заҳарлайди.

Юқори нафас олиш йўлларининг нозик шиллиқ қаватига ҳар хил чанглар ҳам таъсир қилаверади. Пахта, юнг, зиғир чанглари шиллиқ қаватларини кўп шикастламайди, аммо бу турдаги чанглар нафас олиш йўлларининг деворларига маҳкам ёпишиб, қийинчилик билан ажралади ва кўпинча сурункали бронхитлар билан касалланишга олиб келади.

Юқорида номлари айтиб ўтилган чанг касалликлари ичида энг ёмони силикоз касаллигидир. Кварц чанги бошқа чангларга қараганда энг агрессив ҳисобланади. Унинг таъсиридан ҳосил бўладиган силикоз касаллиги тез ривожланиб, ифодали ўтади. Агар чанг касалликларининг бошқа турлари 15-20 йил чангли шароитда ишлагандан кейин ривожланса, силикоз касаллигини бошланғич белгилари 5-10 йил ишлагандан кейин белгиланади. Баъзи ҳолларда эса кварц чанги ҳавода жуда кўп бўлган шароитда силикоз касаллигининг бошланғич белгилари 2-3 йилдан кейин ривожланади.

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

## ХУЛОСА

Ушбу малакавий битирув ишида электр юритма типини танлаш, электр юритма қувватига мос равишда мотор танлаш. Шундан сўнг бошқариш схемасини ишлаб чиқиш ва бу юритмани ҳимоялаш, схема элементларини танлаш, ўткинчи режимни ҳисоблаш ва моторни тўғри танлангани текшириш. Шундай қилиб ушбу МБИда моментнинг эквивалент қиймати номинал моментнинг 99 фоизни ташкил қилади, мотор иссиқлик бўйича тўғри танланган, чунки мотор тўла юкланмаган бўлиб ушбу МБИ тўғрилигидан далолат беради.

МБИда қуввати 7,5 кВт ва айланиш тезлиги 970 айл/мин бўлган асинхрон моторни актив қисми лойиҳалаштирилди. Бу статорни ўзаги ва чулғами ҳамда роторни ўзаги ва қисқа туташтирилган ротор ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоблашларда серияли ишлаб чиқариладиган асинхрон мотор билан таққослаш учун серияли асинхрон мотор лойиҳалаштирилди. Ҳисобланган моторни ишчи параметрларининг нисбий қийматлари берилган чегарада бўлиб, серияли моторларни номинал параметрларидан оғишлар рухсат этилган доирада эканлиги аниқланди. Ҳисобланган асинхрон моторни статор чулғами ишлаб чиқилди. Бундан ташқари моторни ишчи тавсифлари ҳам ҳисобланиб серияли асинхрон моторни тавсифлари билан таққосланди. Ҳисоблаш натижалари лойиҳалаштирилган асинхрон мотор техник ва энергетик кўрсаткичлари мейёрий кўрсаткичлар доирасида эканини кўрсатади. Шунинг учун ҳисоблаш натижаларини тўғри деб қабул қиламиз.

Ротор қаршилигини келтирилган ва нисбий қиймати номинал сирпаниш қийматига тўғри келади. Салт ишлаш токининг нисбий қиймати берилган чегарада бўлиб талабга жавоб беради.

Асинхрон моторни лойиҳалашда унинг ички тузилишини мукамал ўрганиб олдик. Бу бизни келгуси амалий фаолиятимизда қўл келади. Чунки

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

ишлаб чиқаришда асосан асинхрон моторлар қўлланилади. Уларни ишлатишда ва таъмирлашда бу олган билимларни қўллаймиз.

| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистон мустикалликка эришиш остонасида Т. Узбекистон, 2012 й.
2. Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни баргараф этишининг йуллари ва чоралари. Т. Узбекистон, 2009 й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. Узбекистон, 2008 й.
4. Баркамол авлод йили давлат дастури. 2010 й.
5. Кузьмин А.В., Марон Ф.Л. “Справочник по расчетам механизмов подъёмно-транспортных машин”, Минск. Высшая школа, 1983.
6. Вешеневский С.Н. “Характеристики двигателей в электроприводе”, М. Энергия, 1977.
7. ”Лифтовое электрооборудование”, Справочник. Под ред. Рябиновича А.А. М. Энергия, 1979.
8. Чиликин И.Г. “Общий курс электропривода”, М. Энергия, 1979.
9. Яуре А.Г., Певзнер Е.М. “Лифтовкй электропривод”. Справочник, М. Энергоатомиздат, 1988.
10. Хомудханов М.З., Мажидов С.М. Электрик юритма ва уни бошкариш асослари. Т. Укитувчи. 1970.
11. Москаленко В.В. Автоматизированной электропривод. М. Энергоатомиздат. 1986. 416 с.
12. Шенфельд Р., Хабигер Э. Автоматизированной электропривод. Л. Энергия, 1985. 464с.
13. Ковчин С.А., Сабинин Ю.А. Теория электропривода. СПб. Энергоатомиздат. 2000. 496 с.
14. Арипов Н.М. Автоматлаштирилган электр юритма (I ким) Ф. 2001.88 б.
15. Б. Довидбоев Кутариш - ташиш машиналари Тошкент «Укитувчи» - 1989й.

|          |      |             |      |      |   |       |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Рахбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

- 16.Справочник по автоматизированному электроприводу / Под ред. В.А. Елисеева, А.В. Шинянского.М.:Энергоатомиздат,1983.450 с.
- 17.Справочник по лифтовым электродвигателям / Под ред. В.М. Рабинович. М.: Энергоа томиздат, 1988. 318 с.
- 18.Садуллаев Н.Н. Ротори қисқа туташган уч фазали асинхрон моторни лойиҳалаш. Электромеханика фанидан курс лойиҳасини бажариш учун ўқув қўлланма. Бухоро, Муаллиф, 2001. 78 б.
- 19.Проектирование электрических машин. Под ред. Копылов И.П. М.: Энергия, 1980. 495 б.

| Ўлч.     | Вар. | Ф.И.Ш.      | Сана | Имзо | Бух.МТИ, каф. Электротехника,<br>гр.22-12 ЭЭЭ, БМИ ТЁ | Варак |
|----------|------|-------------|------|------|---|-------|
| Бажарди: |      | Сайтиев Б   |      |      |   |       |
| Раҳбар:  |      | Садуллаев Н |      |      |   |       |

